Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 118 (20. 385) • 1989 йил 20 май, шанба • Баҳоси 3 тийин.

## РЕСПУБЛИКА ДАЛАЛАРИДА

✦ СИРДАРЁ. Сирдарё районидаги Охунбобоев номли колхоз пиллакорлари бу йил пландаги 17,5 тонна ўрнига 18 тонна сархил пилла етиштириш учун астойдил меҳнат қилишмоқда. Меҳнат беллашувида ҳар бири 20—25 йиллик иш тажрибасига эга бўлган Оча Мирзаева, Шодмоной Шойқулова сингари пиллакорлар ҳамкасбларидан ўзишмоқда.

Қ. ҲОЖИЕВ.

✦ ҚАШҚАДАРЁ. Китоб районидаги «Қишлиқ» совхози чорвадорлари давлатга 51 тонна ўрнига 55,7 тонна гўшт топшириб ярим йиллик планни бажардилар. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 26,1 тонна кўп.

Ҳ. РАҲМОНОВ.

✦ АНДИЖОН. Москва районидаги «Октябрь» колхозида пилла қурти парвариши намунали олиб борилмоқда. Илғорлардан О. Охунова, О. Жўраева, С. Қурбоновалар ҳар қути уруғдан пландаги 60 ўрнига 80 килограммдан ҳосил олишга бел боғлашган.

Ғ. ПАРПИЕВ.

✦ САМАРҚАНД. Пайариқ районидаги «Партия XXII съезди» колхозида ғўза парвариши қизғин. Бу ерда ниҳоллар биринчи ишловдан чиқарилди. Айниқса, Ж. Ёдгоров бошлиқ бригада далаларида ғўзалар дуркун ўсаётир.

Т. АБДУЛЛАЕВ.

✦ БУХОРО. Ғиждувон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхознинг Ҳалил Сатторов, Ҳасан Хайриев, Раҳим Шаропов каби оилавий пудрат звенолари бу йил карамдан мўл ҳосил етиштирдилар. Айни кунларда эл дастурхонига эртаки маҳсулот етказиб берилаётир. Пудратчилар пландаги 80 тонна ўрнига 100 тонна карам топширишга аҳд қилишди.

Ж. ЖАЛОЛОВ.

## Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида

# ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1989 йил 19 май куни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XIII пленуми бўлди. Унда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов «Қайта қуришни кучайтирайлик, ишда ташаббускор бўлайлик» мавзусида доклад қилди.

Доклад юзасидан музокараларда: Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мирқосимов, Ўзбекистон ССР халқ таълими министри М. А. Зоидов, Нукус шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. Кунназаров, Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари Д. С. Ёдгоров, Самарқанддаги «КПСС XXV съезди» химия заводининг лаборанти В. И. Черноштан, Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари Р. Худойберганова, Сариосиё район партия комитетининг биринчи секретари В. П. Хомяк, Қаршидаги СССР 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи-мотористи Р. Н. Иванушкина, Янгиқўрғон район партия комитетининг биринчи секретари Х. Умурзоқов сўзга чиқдилар.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди. (Музокаралардаги нутқлар матбуотда эълон қилинади).

Пленум ўртоқ Н. И. Попов республикадан жўнаб кетганлиги ҳамда бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан унинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси ва Марказий Комитет аъзоси вазифаларидан озод қилиш тўғрисидаги илтимосини қондирди.

Пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари Р. Ашуралиев, А. И. Барулин, Ю. П. Гудков, Х. Р. Қўйбоқаров, В. П. Куксенко, Ю. В. Курочкин И. Қўчқоров, У. Р. Мўминов, С. М. Нестеренко, Г. А. Стефановский, Ж. Ҳасанов ўртоқларнинг, шунингдек Марказий Комитет аъзолигига кандидатлар Р. Жўраева, Қ. И. Лапкин, А. Раҳимов, Р. Р. Сафаров, Тен Хай-Гюн, Б. Т. Турик ўртоқларнинг республика партия ташкилоти сайлаб қўйиладиган органларидаги ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш тўғрисидаги илтимосларини қондирди. Ўртоқ Р. Н. Нишонов республика Компартияси Марказий Комитети составида бўлиб, амалга оширган ишлари учун ўртоқларга миннатдорчилик изҳор этиб, уларга эзгу тилаклар билдирди.

Пленум «Узглавживпром» Каттақўрғон саноат комплексининг директори Р. Д. Агабабян, Ўзбекистон ССР аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министри Б. И. Бугров, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўсимлик моддалари химияси институтининг директори А. И. Глушенкова, Риштон районидаги «Сўх» совхозининг бригадири И. Жўраев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар ва кадрлар билан ишлаш бўлими мудирининг биринчи ўринбосари У. О. Зокиров, Хоразм область ижроия комитети раисининг ўринбосари Р. Р. Иброҳимова, Комсомолобод районидаги «Партия XX съезди» совхози партия комитетининг секретари Ф. Исроилова, Фарғона область партия комитетининг иккинчи секретари А. В. Козирь, Навоий кон-металлургия комбинатининг директори Н. И. Кучерский, Вобкент районидаги Калинин номли колхоз раиси М. Наврўзова, Бўка район партия комитетининг биринчи секретари Х. А. Пирнапасов, Қўқондаги Охунбобоев номли тикувчилик фабрикасининг директори С. Н. Раҳмонова, Қашқадарё область ижроия комитетининг раиси В. И. Сускин, рассом Ж. Ю. Умарбеков, Қорақалпоғистон АССР Мўйноқ районидаги «Амударё» колхозининг балиқчиси У. Утегенов, Учқўрғон районидаги Охунбобоев номли колхоз сут соғувчиси Ф. Ҳамидова, Ленин йўли районидаги Ленин номли совхоз бригадири Р. Д. Шодиева ўртоқларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига кандидатликдан Марказий Комитет аъзолигига ўтказди.

Пленум ўртоқ П. Ҳабибуллаевни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси вазифасидан озод қилди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси ўртоқ М. И. Иброҳимов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси этиб сайланди. Ўртоқ А. Ҳ. Тошкенбоев Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Аграр бўлимининг мудири этиб тасдиқланди.

Пленум ўртоқ П. Ҳабибуллаевни Марказий Комитетнинг Ҳуқуқий масалалар комиссияси раиси вазифасидан озод қилиб, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ М. И. Иброҳимовни шу комиссиянинг раиси этиб тасдиқлади.

Партия турмуши нормаларини бузганлиги, хизмат мавқеини суиистеъмол қилганлиги ва порахўрлиги учун пленум Марказий Комитет аъзоси Ҳ. Умаровни КПСС сафидан чиқарди.

Пленум XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг демократия ва ошкораликни ривожлантириш зарурлиги тўғрисидаги йўл-йўриқларига амал қилиб ҳамда кадрлар билан ишлашни демократиялашга алоҳида аҳамият бериб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг кадрлар резерви составини кўриб чиқди ва тасдиқлади.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети сектор мудирининг ўринбосари ўртоқ Г. А. Шипилов қатнашди.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIII пленуми ўз ишини тамомлади.

# ШАНХАЙДАГИ УЧРАШУВЛАР

ШАНХАЙ, 18 май (ТАСС мухбирлари). Расмий визит билан ХХРда меҳмон бўлиб турган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачев бугун Хитойнинг энг йирик саноат маркази Шанхайга келди.

Бу шаҳар империализмга қарши кураш ва революцион кураш анъаналари билан донг таратган. Шаҳар аҳли Совет Иттифоқи билан азалдан дўстлик алоқалари ўрнатгандир.

Аэропортда совет раҳбарини, унинг рафиқасини ва совет делегацияси аъзоларини шаҳар меҳнаткашлари номидан ХКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ХКП Шанхай шаҳар комитетининг секретари Цзян Цзэминь, Шанхай мэри Чжу Жунцзи, ХКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ХХР Давлат кенгаши бош министрининг ўринбосари У. Сюецянь, ХХР ташқи ишлар министри Цянь Цичэнь самимий кутиб олдилар.

М. С. Горбачевни шаҳарнинг ёш гражданлари қутладилар. Улар меҳмонларни «Шанхайга хуш келибсиз!» деб олқишлаб турдилар.

12 миллион аҳоли яшайдиган шаҳар кўчаларига чиққан неча ўн минглаб шанхайликлар «Сицзяо» қароргоҳига йўл олган автомобиллар кортежини илиқ табассум ва олқишлар билан кузатдилар.

«Сицзяо» қароргоҳида Цзян Цзэмин билан қисқача суҳбат бўлиб ўтди, суҳбат чоғида Совет — Хитой алоқалари тўла нормаллашгани муносабати билан ўзаро мамнуният изҳор этилди. Суҳбатда М .С. Горбачев, Р. М. Горбачева ва уларга ҳамроҳ бўлган кишилар иштирок этишди.

Шаҳар мэри Чжу Жунцзи совет раҳбари шарафига нонушта зиёфат берди.

Чжу Жунцзи М. С. Горбачевни қутлар экан, ХХР билан СССР ўртасида муносабатлар яхшиланиб боргани сайин Шанхай билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстона алоқалар ва ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётганлигидан мамнуният изҳор этди. Шанхайда яна СССРнинг Бош консулхонаси очилди, Совет Иттифоқи билан савдо обороти йил сайин кўпайиб бормоқда. Шанхай ва Ленинград эндиликда бирodарлашган шаҳарлардир, иккала шаҳарнинг турли соҳалари — экономика, савдо, маданият, маориф ва спорт соҳаларидаги алоқалари ва ҳамкорлиги эндиликда тез ўсиб бормоқда. Мэр иккала мамлакат раҳбарларининг ҳозирги учрашуви ХХР билан СССР, ХКП ва КПСС ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга ёрдам беради, Шанхай билан Совет Иттифоқи ўртасидаги ўзаро фойдали алоқалар ва ҳамкорликнинг катта истиқболларини очади, деб умид билдирди.

М. С. Горбачев ўз нутқида совет делегацияси Шанхай аҳли, Хитой меҳнаткашлари бой революцион ўтмишининг кўп саҳифалари, Хитой пролетариатининг биринчи синфий жанглари, Хитой Коммунистик партиясининг вужудга келиши билан боғлиқ бўлган Шанхай шаҳрини кўришни орзиқиб кутганлигини таъкидлади.

М. С. Горбачев ХХР ва ХКП раҳбарлари билан бўлган учрашувларга баҳо берар экан, ушбу визитни «янги босқични бошлаб берадиган воқеа» деб атади, бу — иккала мамлакат ва иккала халқ билан бирга бутун дунё учун ҳам катта ижобий самаралар келтиради. СССР билан ХХР ўртасидаги барқарорлик, яхши қўшничилик икки улуғ халқнинг орзу-умидларига жавоб берибгина қолмай, Осиёда хавфсизликни мустаҳкамлаш ва бутун жаҳондаги вазиятни соғломлаштириш манфаатларига ҳам жавоб беради, деди совет раҳбари.

У бу визитдан кейин СССР билан ХХР ўртасидаги муносабатларга янги жўшқинлик бахш этилади, деб умид изҳор қилди. Совет Иттифоқи бу муносабатлар партиялар ўртасидаги муносабатларда ҳам, давлатлараро алоқаларда ҳам, фан ва маданият арбоблари ўртасидаги алоқаларда ҳам кенгайиб ва чуқурлашиб бориши, мазкур алоқалар шаҳарлар, корхоналар, меҳнат коллективлари, оилалар ўртасида ўрнатилиши тарафдоридир. М. С. Горбачев Шанхай билан Ленинград алоқаларини ана шундай ҳамкорликнинг яхши намунаси, деб атади.

М. С. Горбачев СССР билан дўстлик туйғулари Хитой халқи кекса авлодлари кенг қатламлари ўртасидагина сақланиб қолмаганлигини, совет делегацияси аъзолари Хитойда меҳмон бўлиб турганларида бунга ишонч ҳосил қилганликларини таъкидлади. СССР билан ХХР ўртасидаги муносабатларнинг нормаллашуви Хитой ёшларига ҳам жуда маъқул бўлгани бизни хурсанд қилди. СССР аҳли иккала мамлакатнинг ёшлар ташкилотлари, йигит ва қизлари ўртасидаги алоқалар ҳам кенгайиб бораверади ва улар Совет ва Хитой халқлари дўстлиги эстафетасини ишонч билан олға элтади, деб умид қилади.

Шундан кейин меҳмонлар қисқа муддат ичида шаҳарни айланиб чиқдилар. Даставвал А. С. Пушкин ҳайкали ёнида тўхташди.

Бу ҳайкалнинг тақдири ажойиб. Шанхай аҳолисининг, бу ерда яшаган русларнинг тўплаган маблағи эвазига 1937 йилда қурилган бу обида япон милитаристларига қарши миллий озодлик уруши йилларида босқинчилар томонидан яксон қилинган эди. 1947 йилда Хитой халқининг шоир улуғ Ватанига ҳурмат-эҳтироми рамзи сифатида ҳайкални тиклашди. Аммо «маданий революция» даврида ҳайкал яна вайрон қилинди. Яқинда рус шоирининг бронза ҳайкали яна ўз жойига ўрнатилди. Ушбу ёдгорлик шаҳар аҳлининг илтимосига кўра, халқларимиз ўртасидаги анъанавий маънавий алоқаларнинг рамзи сифатида тикланди.

М. С. Горбачев ва унинг рафиқаси А. С. Пушкин ҳайкали пойига гулдасталар қўйишди.

Шанхай ўз атрофидаги йўлдош шаҳарлар билан биргаликда ҳозир ХХРнинг саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида, ички ва ташқи савдосида, Хитойнинг фан ва техникаси, маданияти ва маорифини ривожлантиришда етакчи роль ўйнамоқда. Пекин ва Тяньцзинь билан бирга у марказга бўйсунган уч шаҳардан бири сифатида мамлакат ялпи саноат маҳсулотининг 11-12 процентини бермоқда. Шанхай жаҳондаги 170 давлат ва район билан савдо-сотиқ қилмоқда. Бу ерда 50 дан кўпроқ олий ўқув юрти, 200 дан ортиқ илмий-тадқиқот муассасаси бор.

Яқиндагина Шанхайдан 30 километр жануби-ғарбда жойлашган йўлдош шаҳар Минханда ва унинг яқинидаги Хуицзяо шаҳарчасида техникавий-иқтисодий тараққиётнинг янги райони — электротехника саноати шаҳри бўлган Минхань қурилиши бошланди. Бу ерда ана шу тармоққа тааллуқли 50 дан ортиқ корхона бор. Совет Иттифоқидан келган меҳмонлар бугун замонавий лифтлар ва эскалаторлар тайёрланадиган заводга бордилар. М. С. Горбачев корхонада ишчилар ва хизматчилар билан суҳбатлашди.

* * *

Шу куниёқ М. С. Горбачев ва унга ҳамроҳ бўлган совет расмий кишилари Шанхайдан Ватанига жўнаб кетдилар. Аэропортда совет меҳмонларини Цзян Цзэминь, Чжу Жунцзи, У. Сюецянь, Цянь Цичэнь, Шанхай жамоатчилигининг вакиллари кузатиб қолдилар.

* * *

М. С. Горбачевнинг ХХРга қилган расмий визити якунлари юзасидан Совет-Хитой қўшма ахбороти қабул этилди, бу ахборот матбуотда эълон қилинади.

# М. С. ГОРБАЧЕВ МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачев 18 май куни Хитойдан Москвага қайтиб келди. У ХХР Раиси Ян Шанкуннинг таклифига биноан расмий визит билан Хитойга борган эди.

М. С. Горбачевнинг сафарида унга ҳамроҳлик қилган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Н. Яковлев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Ю. Д. Маслюков, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР соғлиқни сақлаш министри Е. И. Чазов у билан бирга қайтиб келдилар.

Аэродромда М. С. Горбачевни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари В. И. Воротников, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, В. А. Медведев, В. П. Никонов, Н. И. Рижков, В. М. Чебриков, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар А. П. Бирюкова, А. В. Власов, А. И. Лукьянов, Г. П. Разумовский, Д. Т. Язов, КПСС Марказий Комитетининг секретари О. Д. Бакланов, бошқа ўртоқлар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида ХХРнинг СССРдаги муваққат ишлар вакили Чжан Чжэн бор эди.

(ТАСС).

## Барҳаёт Ҳамза

### Тошкентда тантанали йиғилиш

19 май куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Катта театри биносида бўлган кеча инқилобчи шоир ва интернационалист, ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий туғилган куннинг 100 йиллигига бағишланган юбилей тантаналарининг марказий воқеаси бўлди. Бу ерга ижодкор зиёлиларнинг, партия, совет, комсомол ташкилотларининг, шаҳар жамоатчилигининг вакиллари, қардош республикаларнинг намояндалари, чет эллик меҳмонлар келишди.

Кечани Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари О. Ёқубов очди. Филология фанлари доктори, Ҳамза ижодининг тадқиқотчиси Л. П. Қаюмов доклад қилди.

Ўзбекистон ҳақидаги ўз шеърларини ўқиб берган СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг аъзоси, шоира Л. Шчипахина, белорус шоири Р. Бородулин, Афғонистон ёзувчилари уюшмасининг президенти Акром Усмон, Озарбайжон ёзувчиси Ч. Абдуллаев, тожикистонлик санъатшунослик доктори Н. Нуржонов, қирғиз ёзувчиси К. Оқматов, литвалик таржимон Г. Капицкайте, турк ёзувчиси Явуз Оқпинор Ҳамза ижодининг новаторлик руҳи,революцион пафоси ва инсонпарварлиги, халқ бахт-саодати тантанасига ишонч эътиқоди ҳақида, шоир ижодининг завол билмас қадр-қиммати тўғрисида гапирдилар.

Кечада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар Р. Н. Нишонов, В. П. Анишчев, П. В. Догонкин, М. И. Иброҳимов, Ш. З. Камолхўжаев, М. М. Мирқосимов, В. И. Огарок, М. Ҳ. Холмуҳамедов, Б. Ф. Сатин, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

## Элчи қабул қилинди

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров Ўзбекистон ССР ҳукуматининг таклифига биноан республикага келган Малайзиянинг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Мартин Мутуренгам Сатаяни қабул қилди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида меҳмонга республикадаги қайта қуриш жараёнлари тўғрисида ахборот берилди; Ўзбекистон билан Малайзия ўртасида экономика, савдо, илм-фан ва маданият соҳаларидаги икки томонлама бевосита алоқаларга доир масалалар муҳокама қилинди.

Суҳбатда Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов иштирок этди.

М .М. Сатая Ўзбекистон ССР Госпланида қабул қилинди, у амалий санъат музейини, Тошкент чинни заводини бориб кўрди, Тошкент областидаги «Маданият» колхозида ва «Лимонарий» колхоз-комбинатида бўлди, Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишди.

(ЎзТАГ).

## Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

18 май куни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиумининг навбатдан ташқари мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети социал-иқтисодий бўлими тақдим этган материалларга кўра «Правда Востока» газетасида 1989 йил 28 март куни эълон қилинган «Кооперациями ё...» мақоласи ҳамда Ўзбекистон ССР халқ контроли комитетининг Самарқанд область ижроия комитети план комиссияси ҳузурида тузилган «Тафаккур» кооперативи фаолиятини текшириш натижалари тўғрисидаги хати кўриб чиқилди.

Муҳокама шуни кўрсатдики, республика давлат муассасаларининг айрим масъул ва раҳбар ходимлари, ўз хизмат мавқеларидан фойдаланиб, ясама кооперативлар тузиш ва уларда бевосита иштирок этиш йўлини тутдилар, пул даромади ундиришнинг янги йўлларини қидира бошладилар.

1988 йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон ССР Давлат план комитети раҳбариятининг ва «Экономика и жизнь» журнали меҳнат коллективининг розилигисиз шу журнал бош редактори Ю. И. Слашчининнинг ташаббуси билан «Менежер» кооперативи тузилди ва у Тошкент шаҳар Киров район ижроия комитетида рўйхатдан ўтказилди. Кейинчалик бу кооператив составига Ўзбекистон ССР Давлат план комитети раисининг ўринбосарлари М. Д. Мухортов, О. Г. Пшеничний, шу комитет бўлими бошлиғи Е. К. Слепков, Ўзбекистон ССР Госстройи план-иқтисод бошқармасининг бошлиғи В. Э. Сташис кирдилар. Текширув вақтида кооперативга 10 киши аъзо эди. Шулардан бевосита 4 киши яқин қариндошдир.

«Менежер» кооперативи уставда белгилаб қўйилган вазифалар ўрнига ижара шароитида қорхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш иқтисодий ҳисоб-китобларини ишлаб чиқиш ва асослаш бўйича воситачилиқ фаолияти билан шуғуллана бошлади. Шунинг эвазига корхоналар ва ташкилотлардан меҳнат коллективларининг ижозатисиз кооперативга катта пул маблағлари ўтказилди. Бундан ташқари кооператив аъзолари давлат корхоналари ва ташкилотлари учун бошқарув ходимларини тайёрлаш юзасидан ҳар хил курсларни очиш эвазига даромад қидиришга берилиб кетдилар. Ўқитувчилар коллективига кўпинча бошқарув соҳасида амалий кўникмалари бўлмаган кишилар жалб этилди.

Кооперативнинг ҳисоб-китоб счётига 172 минг сўм тушди. Шулардан 79 минг сўми маошга ва командировка эҳтиёжларига сарфланди, кооператив аъзоси ўртоқ Хмельковга эса шахсий уй-жой сотиб олиш учун ўн йил муддат билан 50 минг сўм миқдорида процентсиз қарз берилди, гўё шу уйда кооператив эҳтиёжлари учун турли тадқиқотлар ўтказадиган лаборатория жойлашган эмиш. Ишларнинг айрим

(Давоми тўртинчи бетда).

## Айрим сайлов округларида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайлови тўғрисида

# АХБОРОТ

1989 йил 14 май куни 15 та сайлов округида ўрни бўшаб қолган депутатлар ўрнига Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайлови бўлди.

Қуйидаги ўртоқлар Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари этиб сайландилар:

Тошкент шаҳридаги 12-Киров сайлов округидан ўртоқ Акбаржон Юсупов, «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси электр кара ҳайдовчиси;

Тошкент область 85-Бўка сайлов округидан ўртоқ Эргаш Исмоилович Фозилов, Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг секретари;

Тошкент область 89-Димитров сайлов округидан ўртоқ Есенгелди Турлибекович Абдураимов, Ғалаба районидаги Димитров номли колхоз бригадири;

Тошкент область 108-Келес сайлов округидан ўртоқ Баҳодир Сайдазимов, Тошкент районидаги Навоий номли колхоз бригадири;

Андижон область 157-Булоқбоши сайлов округидан ўртоқ Эргаш Раҳимов, Андижон область ижроия комитетининг раиси;

Бухоро область 168-Транспорт сайлов округидан ўртоқ Юрий Михайлович Сажнев, Ўзбекистон Компартияси Бухоро область комитетининг иккинчи секретари;

Бухоро область 186-Шофиркон сайлов округидан ўртоқ Шомил Қодирович Гатаулин, Бухоро область ижроия комитетининг раиси;

Наманган область 267-Куйбишев сайлов округидан ўртоқ Владимир Дмитриевич Великанов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети давлат-ҳуқуқ бўлимининг мудири;

Самарқанд область 352-Қуйиқишлоқ сайлов округидан ўртоқ Шаҳобиддин Сирожиевич Зиёмов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети идеология бўлимининг мудири;

Сурхондарё область 373-Янгибозор сайлов округидан ўртоқ Николай Дмитриевич Филиппов, Ўзбекистон Компартияси Сурхондарё область комитетининг иккинчи секретари;

Сирдарё область 201-Зомин сайлов округидан ўртоқ Зулфия Хорунова, Зомин бадиий буюмлар фабрикасининг мастери;

Фарғона область 444-Заркент сайлов округидан ўртоқ Ўктам Иброҳимович Усмонов, «Совет Ўзбекистони» газетасининг муҳаррири;

Хоразм область 458-Ленин сайлов округидан ўртоқ Қозоқ Ҳалимбетов, Хоразм область ижроия комитетининг раиси;

Хоразм область 462-Гурлан сайлов округидан ўртоқ Қурбонбека Хўжамуродова, Гурлан районидаги Киров номли колхоз пиллачилар бригадасининг бошлиғи;

Қорақалпоғистон АССР 496-Ленинобод сайлов округидан ўртоқ Соғиндиқ Даутлетиёрович Ниятуллаев, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси.

